Адл ила олам юзин обод қил

# Кучадолатда

2021 йил
12 февраль,
жума
№ 6 (831)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтидорли ва истиқболли, айниқса, республика ҳудудларидан ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янада модернизациялаш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компанияларда мақсадли таълим олишини ҳамда стажировкадан ўтишини ташкил этиш, профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этиш борасида барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сон Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ихтиёрига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг **қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

**иқтидорли ва истиқболли,** айниқса, республика ҳудудларидан **давлат хизматчиларини тизимли равишда излаб топиш, танлаш ва рағбатлантириш,** уларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш;

профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган **янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этишга кўмаклашиш;**

ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда хорижий экспертлар билан ҳамкорликда **давлат хизмати ва таълим соҳасига рақамли технологияларни жорий этишга** қаратилган илмий-амалий тадбирлар ташкил этиш;

хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва экспертлар, шунингдек, ватандошлар билан ҳамкорликда **онлайн платформаларга асосланган масофавий таълим дастурлари, ўқув курслари** ва бошқа таълим, илмий-тадқиқот ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг **мутахассисларни излаб топиш, танлаш ва уларнинг хорижда таълим олишини ташкил этиш тизимини** қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича таклифига розилик берилсин:

очиқ стипендия танловлари асосида хорижда **бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш** дастурлари Жамғарманинг асосий таълим дастурлари (кейинги ўринларда — таълим дастурлари) ҳисобланади;

Жамғарма таълим дастурлари бўйича номзодларни саралаш танлови **мунтазам равишда ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун** уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар **очиқ тарзда** амалга оширилади;

Жамғарма томонидан **вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари** асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича **стажировкадан ўтиш дастурлари** ташкил этилади.

4. Белгилансинки, Жамғарма таълим дастурлари бўйича номзодларнинг очиқ саралаш танлови қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

давлат ва жамият бошқаруви;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳаси;

таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари;

иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари.

5. Жамғарма 2021 йилда очиқ стипендия танловлари асосида ёшларнинг нуфузли хорижий мамлакатларда бакалавриат дастури бўйича таълим олиши учун **100 та ўрин,** магистратура ва докторантурада ўқиш учун аввалги йилларга нисбатан ўртача **5 баробар кўп ўрин** ажратсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғармага Давлат бюджетидан тегишли йил учун ажратилиб ишлатилмасдан қолган маблағлар Жамғарма ихтиёрида қолдирилади ва кейинги йиллар учун унинг таълим дастурларини молиялаштириш учун йўналтирилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларининг хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотларда стажировкаси ташкил этилади;

хорижда кадрлар малакасини ошириш, уларнинг стажировкадан ўтишини ташкил этиш ва хорижий тилларга ўқитиш тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар учун Давлат бюджетида назарда тутилган мақсадли маблағлар, буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этилади;

(Давоми 3-бетда) ▶

**Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатнома тақдим этиш амалиёти эзгу анъанага айланди. Давлатимиз раҳбарининг бу галги Мурожаатномаси мамлакатимиз ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотларнинг энг муҳим ва долзарб масалаларини қамраб олганлиги туфайли нафақат халқимиз, ҳатто халқаро жамоатчиликнинг ҳам юксак эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.**

*Муносабат*

## Президент Мурожаатномаси – демократик янгиланишлар дастури

Президентимиз ўз Мурожаатномасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, унинг энг олий қадрият эканлигини амалда қарор топтириш борасида амалга оширилган тизимли ишлар, эришилган ютуқлар, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларнинг юксак эътирофлари ҳақида алоҳида тўхталди. Ушбу жараёнда, шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ўзгаришлар ҳал қилувчи аҳамият касб этганлигини алоҳида қайд этди.

Маълумки, сўнги тўрт йил давомида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида дадил қадамлар қўйилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Жараён*

## Миллий сайлов қонунчилиги

### у ошкоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик принципларни ўзида акс эттирган

***"Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун 5 февраль куни Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган бўлса, 8 февраль куни Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланди ҳамда матбуотда чоп этилди.***



Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, жорий йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтишини алоҳида таъкидлаш лозим. Демократик ва адолатли сайловлар — бу демократиянинг ўта муҳим ва зарур шартларидан ҳисобланади.

2019 йилда **"Янги Ўзбекистон — янги сайловлар — янги парламент"** деган устувор ғоя асосида бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келганини яққол кўрсатди.

Бу йилги сайлов жараёнида, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, **"Ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттирамиз".**

Шу мақсадда мамлакатимизда бўлажак сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

***Ҳар қандай жамиятда одамлар турли низоларга дуч келиши мумкин. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низолар судда қонуний ечимини топади. Яъни судда ким ҳақ, ким ноҳақ экани маълум бўлади. Бошқача айтганда, бир тараф ютса, иккинчиси мағлуб бўлади.***

*Долзарб мавзу*

## Ортиқча ғавғодан не фойда?

### ёхуд асоссиз шикоятбозлик хусусида

Суд ҳукм ёки қарор чиқаргандан сўнг бундан норози бўлган томон юқори инстанциялар ва бошқа давлат идораларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Бу Конституциямиз ва қонунларда кафолатланган. Бу ҳуқуқдан фойдаланишни чеклашнинг ўзи бир жиноят хисобланади. Лекин ҳозир масала бу ҳақда эмас.

Аслида гап шундаки, бугунги кунда баъзан "фуқароларимиз суддан норози, судлар уларни рози қила олмаяпти", — деган қарашлар, ижтимоий тармоқларда чиқишлар учраб тургани баҳсталаб.

Бу фикр ёки чиқишларга асос борми? Ўрганишлар бундай фикр тарқатаётган манба муаллифлари, ишнинг хақиқий ҳолатини ўрганишга уринмай, фақат бир тараф, яъни судда масаласи унинг фойдасига ижобий ҳал бўлмаган тарафнинг фикрларига асосланаётганини кўрсатмоқда. Бундай ёндашувни тўғри деб бўладими?

(Давоми 2-бетда) ▶

*Янги қонун лойиҳаси*

## Ижтимоий корхоналарга қандай имтиёзлар берилади?

***Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни қизғин давом этмоқда.***

Қўмита аъзолари ҳудудларда фаолият юритаётган бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини ўрганиш билан бирга, ишчи-ходимлар ўртасида қонун лойиҳаси юзасидан кенг муҳокамалар ўтказмоқда. Қайд этиш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси жорий йилнинг 28 январь куни Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.

Бугунги кунда давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тизимли ижтимоий ҳамкорликнинг самарали механизмини жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари учун иш ўринларини яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларга маҳсулот ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналарга солиқ ва бошқа турдаги имтиёзлар белгиланган.

Лекин афсуски, ҳозирга қадар қонунчилигимизда ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий тушунчаси ва ижтимоий тадбиркорликка оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари назарда тутилмаган.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Хабар*

## Янги суд биноси





*Шу йил 3 февраль куни Фарғона вилоятида жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича Риштон тумани суди янги биносининг очилиши маросими бўлиб ўтди.*

*Риштон тумани судларининг янги маъмурий биноси энг замонавий ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланган. Бу ерда судга мурожаат этиш тизимининг интерактив усулларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилган. Видеоконференцалоқа тизими орқали ишларни онлайн кўриш мумкин. Бу эса, фуқароларнинг ортиқча харажат қилиши ва оворагарчиликларга дуч келишининг олдини олади. Бундан ташқари қўшимча 20 миллион сўм маблағ ҳисобига суд биносида янги инфокиоск ускунаси ўрнатилди. Бундай замонавий қулайликлар судга мурожаат қилувчиларга кенг имконият яратиш билан бирга одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилади.*

**Қобилжон МУТАЛИЕВ,**
*Фарғона вилояти суди бош консультанти*



## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг мобил видеоконференцалоқа тизими (vka.sud.uz)




*Президентимизнинг 2020 йил 3 сентябрдаги "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, судлар фаолиятига замонавий воситалар (гаджетлар) дан фойдаланган ҳолда суд мажлисларида иштирок этиш имконини берувчи мобил видеоконференцалоқа тизими жорий этилди.*

*Эндиликда суд мажлиси иштирокчилари ўзлари хоҳлаган жойдан туриб, Олий суднинг Интерактив хизматлари порталида **(my.sud.uz)** жойлаштирилган **"Видеоконференцалоқа"** рукни **(vka.sud.uz)** орқали суд мажлисларида иштирок этиш имконияти яратилди.*

*Мазкур тизимнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:*

*- суд мажлисида иштирок этувчи шахслар ўз ҳудудини тарк этмаган ҳолда суд мажлисларида иштирок этиш;*

*- суд мажлисларида мобил қурилмалар ёки шахсий компьютер орқали иштирок этиш;*

*- фуқароларнинг суд мажлисида иштирок этишлари учун сарфланадиган вақти ва маблағини тежаш;*

*- тарафларнинг суд мажлисидаги иштирокини тўлиқ таъминлаш.*

*Долзарб мавзу*



# Ортиқча ғавғодан не фойда?

## *ёхуд асоссиз шикоятбозлик хусусида*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Чунки айни пайтда судлар қарор қабул қилгач, тарафларга қабул қилинган қарорнинг моҳият-мазмуни қандай қонун ҳужжатларига асослантирилганини батафсил тушунтирмоқда.

Бу эса, ўзининг ижобий натижасини бераётир. Хусусан, ўтган 2020 йилда республика судлари томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларининг атиги 3,5 фоизи бўйича юқори инстанция судларига шикоятлар келтирилгани, қолган 96,5 фоиз ишлар бўйича тарафлар қонун талаби улар томонида эмаслигини тушуниб етганлигини кўрсатади. Қолаверса, юқори инстанция судига келтирилган шикоятларнинг 65 фоизи ҳам асоссиз деб топилиб, суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Бундай ижобий натижага эришишда тарғибот-ташвиқот ишлари ва сайёр суд мажлислари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, ўтган йилда 188 349 та иш сайёр суд мажлисларида кўрилган бўлса, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 41 292 та хусусий ажрим (тақдимнома)лар чиқарилган. Судья ва суд ходимлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали 16 260 та тарғибот ишлари амалга оширилган бўлса, маҳаллаларда 20 668 маротаба тушунтириш-тарғибот ишлари ўтказилган. Бундан ташқари судлар раҳбариятининг маҳаллаларда 15 357 та сайёр қабуллари ташкил қилиниб, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатлари кўриб чиқилган. Бу жараён келгусида ҳам изчил давом эттирилади, албатта.

Олий судга келиб тушаётган шикоятларнинг 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 36,9 фоизга камайганини судлар томонидан амалга оширилаётган тушунтириш ва тарғибот ишларининг натижаси деб баҳолаш мумкин. Бироқ кейинги пайтларда амалиётда шундай ҳолатлар кузатилаяптики, айримлар ноҳақ бўлса-да, йиллар мобайнида шикоят ёзишдан тўхтамаяпти. Хўш, бунинг сабаби нима? Очиқ-ойдин кўриниб турган ҳақиқатни тан олмасдан "шикоятбозлик хасталиги"га йўлиққанларнинг мақсад-муддаоси не?!

Маълумки, суд қарорларига нисбатан шикоят келтиришнинг ўзига яраша тартиби ва қоидалари мавжуд. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 498 ва 510-моддаларига мувофиқ, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суд қарорларига нисбатан шикоят келтириш ҳуқуқига эга. Яъни қонун билан суд қарорларига нисбатан шикоят келтириш ваколатига эга бўлган шахслар доираси қатъий белгилаб қўйилганки, жиноят ишига алоқаси бўлмаган шахслар суд қарорлари қонунийлиги масаласини муҳокама қилиш ва бу борада шикоят келтириш ҳуқуқига эга эмас.

Худди шундай чекловлар фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар бўйича ҳам ўрнатилганки, иш бўйича манфаатдор тараф, яъни судланган, жабрланувчи, даъвогар ёки жавобгар суд қароридан рози бўлган бир вазиятда бошқаларнинг — улар судда тараф бўлиб ўтган шахснинг яқин қариндошлари бўладими ёки танишлари бўладими — ишга аралашмаслигини таъминлаш мақсади назарда тутилган.

Афсуски, шундай фуқаролар борки, уларга қонун талабини қайта-қайта тушунтирсанг ҳам ўзининг билганидан қолмай Олий суд, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа нуфузли идораларга шикоят қилишдан тўхташмайди.

Масалан, турмуш ўртоғи О.ни (исм-шарифлар ўзгартирилган) яқин қариндошлари кўз ўнгида ўта шафқатсизларча қасддан ўлдирган С. озодликдан маҳрум этиш жазосига судланиб, охирги икки йилда жазо ўтаётган муассаса орқали бирон марта ҳам суд қарорларига нисбатан шикоят ёзмаган бўлса-да, унинг таниши бўлган фуқаро К.га юқорида қайд этилган қонун талаби бир неча маротаба тушунтирилгани, бу ҳақда унга кўплаб ёзма равишда жавоблар берилгани, уни Олий суд раиси ва раис ўринбосарлари ҳам бир неча марта шахсан қабул қилиб, тегишли тушунтиришлар беришганига қарамай, у 2019 йилда 18 маротаба, 2020 йилнинг ўзида эса, фақат Олий суднинг ўзига 13 маротаба шикоятлар билан мурожаат қилиб, С.ни қамоқдан озод этилишини талаб қилиб келмоқда.

Яна бир мисол: Фуқаро А. фуқаро И.ни алдаб, фирибгарлик йўли билан унинг кўп миқдордаги пул маблағини қўлга киритиб, талон-торож қилган.

Иш судда кўрилиб, айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган ва келтирилган зарарни айбдордан И.нинг фойдасига ундириш белгиланиб, суд қарори ижрога қаратилган.

Бир қараганда оддий ва содда ечим. Бироқ фуқаро И. жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни айбдордан ундириш масаласида Мажбурий ижро бюросининг тегишли худудий бўлимига мурожаат қилиш ўрнига турли важлар билан судга мурожаат қилишда тўхтамаётгани ажабланарли, холос.

Унинг важларини текшириш масаласида жиноят иши Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида, ҳатто Олий суднинг Раёсатида қайта-қайта кўрилгани, келтирилган важларини текшириш учун жиноят иши бир неча маротаба янгитдан апелляция тартибида кўриш учун юборилгани, бироқ унинг важлари ўзининг тасдиғини топмаётгани фуқаро И.ни шикоят ёзишдан тўхтатмаяпти.

Бу ҳолатда фуқаро И.ни инсонийлик юзасидан тушуниш мумкин, чунки у алданган ва фирибгарлар томонидан талон-торож қилинган мулкини қайтариб олмаган. Бироқ у Олий суд раиси ва раис ўринбосари томонидан 8 марта қабул қилинган ва унга қонун талаблари, хусусан, зарарни ундириш масаласида Мажбурий ижро бюросига, унга нисбатан фирибгарлик жиноятини фуқаро А. билан бирга фуқаро М. ҳам содир этгани ҳолати юзасидан эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилган.

Кўриниб турганидек, фуқаро И.нинг суд ҳукми ва ажримларидан норози бўлишига ҳеч қандай қонуний асос мавжуд эмас. Етказилган зарарни ундириш масаласи эса, Мажбурий ижро бюроси ваколатига киради.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, карра жадвали каби ошкора кўриниб турган, ҳал бўлган муаммо бўйича қайта-қайта шикоят қилишдан фойда йўқлиги, аксинча, бу каби шикоятчиларнинг асоссиз равишда шикоятлар ёзиши суд қарорлари устидан келиб тушаётган шикоятлар сонини сунъий равишда ошишига салбий таъсир ўтказаётгани кундек равшан. Бундан ташқари шикоятбозлик қилиш давлат идоралари масъуллари, судьяларнинг қимматли вақтини ўғирлайди. Шу боис жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, қонунни ҳурмат қилган одам унга сўзсиз риоя қилади, талабларини тўлиқ бажаради. Ўз навбатида, қонунга амал қилиш ижтимоий адолатга эришишнинг асосий шартидир.

**Икрам МУСЛИМОВ,**
*Олий суд раиси ўринбосари*

---

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, мамлакатимиз Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини қуйи палата муҳокамасига киритди.

Қонун лойиҳаси 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"** Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси уч манба: миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётига; 20 дан ортиқ хорижий давлатлар сайловлар ўтказиш тажрибасига; сайловларга оид халқаро нормалар ва стандартларга таяниб ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис палаталари, Марказий сайлов комиссияси, сенатор ва депутатлар, олимлар ва экспертлар иштирокида 2 маротаба муҳокама қилинди. Қолаверса, 2020 йилнинг май-июнь ойларида қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Шу тариқа **"Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун кучга кирди. Унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил фикр юритишдан олдин мамлакатимизда сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни очиқ, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказишда халқ ҳокимияти ва сиёсий плюрализмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва сайлов тизимини босқичма-босқич модернизациялаш бўйича бир қатор амалий чоралар кўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Чунки **"Жаҳон мамлакатлари демократия индекси"**да Ўзбекистон бугунги кунда **155-ўринни эгалламоқда.** Бунда Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги Фармонига биноан, **"Сайлов жараёни ва плюрализм"** йўналиши бўйича мамлакатимиз кўрсаткичларини 2022 йилга қадар **6 бараварга** ошириш мақсади қўйилган.

2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида юзага келган бир қатор камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, халқаро ташкилотларнинг айрим мақбул тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш зарурати туғилди.

Янги қонун сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, у билан:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига;
- "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонунига;
- Сайлов кодексига;
- "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

*Жараён*



# Миллий сайлов қонунчилиги

## *у ошкоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик принципларни ўзида акс эттирган*

***Биринчидан,*** миллий экспертлар таклифлари асосида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилди. Уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланди.

Нега деганда, таҳлиллар ҳар бир округ ўртача 1-3 та сайлов участкаси доираси билан чеклангани ва бир неча йиллардан бери самарасиз фаолият юритиб келганини кўрсатди. Амалиётда тегишли туман (шаҳар) ва округ сайлов комиссияларининг вазифаларининг бир-бирини такрорлаши ҳоллари ҳам кузатилган.

Шунингдек, бу давлат бюджетига қўшимча харажатни кўпайтирмоқда. Янги қонун талаблари асосида мақбуллаштириш натижасида 54 мингдан зиёд аъзодан иборат 5 минг 739 та округ сайлов комиссияси тугатилгач, бир томондан, инсон ресурслари тежалади, иккинчи томондан, сайловга жалб этилган инсонлар орасида оворагарчиликка чек қўйилади.

***Иккинчидан,*** хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини, дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, чет давлатларда сайловчилар яшаётган ёки ишлаётган жойида кўчма қутиларда овоз беришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Шу ўринда 2019 йилдаги парламент сайловларида мазкур амалиёт илк бор тажрибадан ўтказилганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ўшанда Россия, Жанубий Корея ва Қозоғистонда бўлиб турган **90 минг нафардан ортиқ** Ўзбекистон фуқаролари кўчма қутиларда овоз берган.

Зеро, янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши айнан фуқароларнинг қаерда бўлишидан қатъи назар, давлат ҳимоясида бўлиши, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳисобланади.

***Учинчидан,*** қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларини кузатувчилар ўз ташрифи ҳақида камида 3 кун олдин хабардор қилиш тартиби белгиланди.

**Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида Сайлов кодексига қуйидаги ўзгартишлар киритилди:**

1. Сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифаси чиқариб ташланди;
2. Сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланди;
3. Сайлов натижаларини эълон қилиш муддатларининг асоссиз чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилди;
4. Сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида улар томонидан сайловдан олдин оралиқ ва сайловдан сўнг якуний молиявий ҳисоботларни, шунингдек, Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Шу вақтга қадар мамлакатимизда Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар тегишинча, уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказиб келинаётганди.

Янги қонун асосида Конституция ва Конституциявий қонунга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, эндиликда Президент сайлови, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — **октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланди.**

**Мамлакатимизда сайловларнинг муддатини декабрь ойидан октябрь ойига кўчиришни қуйидаги муҳим омиллар тақозо этди.**

***Биринчи омил:*** парламент сайловлари бўлиб ўтганидан кейин қонунчиликда белгиланган муддатларда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи мажлисларини ўтказиш, уларнинг қўшма мажлисларида Бош вазир номзодини тасдиқлаш, Вазирлар Маҳкамаси — Ҳукуматни шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўтказиш каби муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар янги йилнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бу эса, Давлат дастурларини қабул қилиш ва тегишли йилга мўлжалланган бошқа ислоҳотларнинг март-апрель ойларига қадар сурилишига сабаб бўлаётганди.

Масалан, 2019 йилги парламент сайловларидан кейинги сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар жуда қисқа муддатда, яъни 2020 йилнинг 20-24 январь кунлари оралиғида бўлиб ўтди. 2020 йилга мўлжалланган Давлат дастури эса, 2 март куни қабул қилинди.

***Иккинчи омил:*** сайловлар қаҳратон совуқ давр — қиш мавсумига тўғри келиши, ўз навбатида, фуқароларнинг сайловлардаги фаоллигини янада ошириш, сайловолди ташвиқоти тадбирларини кенг қамровли ўтказиш, замонавий сайлов технологияларидан фойдаланиш, айниқса, оммавий тадбирларни ташкиллаштиришда бир қатор камчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ўтган сайловлар даврида аҳоли ва электорат, сиёсий партиялар томонидан бу борада қатор таклифлар билдирилди.

***Учинчи омил:*** хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, асосан иқлими иссиқ бўлган жанубий яримшар давлатларида, масалан, Гана, Миср, Нигерия, Жанубий Африка Республикаси, Жазоир, Венесуэла, Доминика каби мамлакатларда сайловлар декабрь ойида ўтказилади. АҚШ, Швейцария, Испания, Уругвай, Чили, Босния, Иордания, Молдова ва бир қатор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида эса, сайловлар октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтади.

***Тўртинчи омил:*** Ўзбекистонда ўтказиладиган сайловлар Европа ва Америка давлатларидан таклиф этилган кузатувчиларнинг диний байрами, хусусан, "Рождество" нишонланадиган 25 декабрь санасига тўғри келиши туфайли сайлов соҳасида жаҳон миқёсида обрўга эга халқаро кузатувчиларнинг иштирокини чекламоқда.

Ана шу омилларни инобатга олиб, янги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар декабрь ойидан — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасига кўчириладиган бўлди.

Бунинг натижасида, бир томондан, сайловлардан кейин олий давлат органларини ўз вақтида шакллантириш ва муҳим сиёсий-ҳуқуқий қарорларни қабул қилиш учун тегишли замин яратилади. Иккинчи томондан, ноқулай об-ҳаво шароитларида фуқароларнинг сайловлардаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинади. Шу тариқа сайловчилар ва кузатувчилар учун қулай шароит вужудга келади.

Мухтасар айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши туфайли умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида сайлов қонунчилиги янада такомиллашди. Бу, ўз навбатида, сайлов жараёнларининг янада очиқ ва ошкора ўтиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги кўрсаткичлари яхшиланишига эришиш имконини оширади.

**Акмал САИДОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари*

---

*Ҳуқуқий саводхонлик сари*

# Ишсизлик

*Аввало шуни айтиш керакки, иш билан таъминланиш фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолияти ҳисобланади.*

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

- меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар, тенг имкониятларни таъминлаш;
- кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;
- иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ҳамда янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш;
- иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг ишсизлиги, буни келтириб чиқараётган омиллар жамиятда, шу жумладан, ҳар қандай ташкилот ва корхона жамоасида турли хил зиддиятлар, ижтимоий муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Шу боис ишсизлик тушунчаси нимадан иборатлиги, ишсиз деб кимлар ҳисобланиши, ишсизларга берилган имтиёз ва кафолатлар қандай тайинланиб, кимларга берилиши, бу борада иш берувчи томонидан қонун бузилишига йўл қўйилганда фуқаро қандай қилиб ҳуқуқларини тиклаши мумкинлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ишсизлар деганда ўн олти ёшдан то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар *(бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно)* тушунилади.

Ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган шахслар ишсиз деб эътироф этилади.

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан, улар иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай қабул қилинади.

Аксарият меҳнат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида таклиф этилган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар, рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра, меҳнат органига келмаган шахслар ишсиз деб эътироф этилмайди. Бундай тартиб-таомил нафақат давлат ёки давлат органининг ишсизликни таъминлашга қаратилган чоралари, балки ишсиз юрган шахс ёхуд ишдан бўшатилган ходимнинг ўзини ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини тиклаш ва ижтимоий кафолатлардан самарали ва тез фойдаланишга ундайдиган механизм ҳисобланади. Чунки ишсизликни ва ишсиз юрган шахсни давлат ҳимоясига олиш аниқ чораларни белгиловчи омил ҳисобланишини ҳисобга олиш зарур.

Ишсиз шахсларга моддий мадад беришга оид кафолатлар қуйидагилардан иборат:

- ишсизлик нафақаси тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;
- меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш.

Белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган шахслар ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга. Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсларга тайинланади.

Қарамоғида уч нафаргача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакларга ишсизлик нафақаси улар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жамғарма стипендиялари квоталари Васийлик кенгаши қарорига кўра таълим дастурлари ҳамда истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликларни ҳисобга олган ҳолда таълим соҳалари кесимида номзодларни саралаш танловини ўтказиш йўналишлари бўйича ажратилади;

Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олган стипендиатларга стипендиат билан тузилган шартномада белгиланган тартиб ҳамда муддат мобайнида вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларда узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади;

Жамғарма давлат хизматчилари ва бошқа тоифадаги ходимлар салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, иқтидорли ва истиқболли ёшларни, энг аввало республика ҳудудларидаги ёшларни рағбатлантириш мақсадида етакчи хорижий ва маҳаллий олимлар ҳамда экспертларни жалб этган ҳолда ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳуқуқига эга;

стипендиат узрсиз сабабга кўра таълим дастурларидан четлаштирилган тақдирда ёки Жамғарма таълим дастурлари тугалланганидан сўнг меҳнат фаолиятини вазирликлар, идоралар ёки бошқа давлат ташкилотларида давом эттиришдан бош тортган ҳолларда, Жамғарма томонидан стипендиатнинг таълим олиши учун сарфланган барча молиявий харажатлар у билан имзоланган шартнома шартларига мувофиқ стипендиат томонидан қопланади.

7. Жамғарма Васийлик кенгаши **икки ой муддатда:**

вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг **тўғридан-тўғри буюртмалари асосида** истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича амалга ошириладиган **стажировкадан ўтишни ташкил этиш тартибини;**

Жамғарма стипендияларини **молиялаштиришнинг бир стипендиатга мўлжалланган чекланган миқдорини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Қуйидагилар:

**Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси тўғрисидаги низом** 2-иловага мувофиқ;

**Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси Васийлик кенгаши таркиби** 3-иловага мувофиқ;

**Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни очиқ саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** 4-иловага мувофиқ;

**Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан "Йўл харитаси"** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Вазирликлар, идоралар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар:

ҳар йили 1 сентябрга қадар энг яхши тайёрланган номзодларни Жамғарманинг очиқ саралаш танловида иштирок этишга тавсия этган ҳолда Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олиш учун истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича реал эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни Жамғармага киритиб борсин;

тизимли асосда стипендиатлар меҳнат фаолиятининг мониторингини ўтказишда Жамғармага кўмаклашсин, уларни муносиб ишга жойлаштириш, Ўзбекистонда уларнинг касбий жиҳатдан ўсиши ва мансаб поғоналарида кўтарилиши учун шароитлар яратсин.

10. Жамғармага, истисно тариқасида, ўз таълим дастурларини ташкил этиши, республикага хорижий олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан, ватандошларни жалб қилиши учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКда импорт контрактлари (шартномалари)ни мажбурий тарзда рўйхатдан ўтказмаган ҳолда биржа танловлари ва ваколатли органларда контрактлар (шартномалар)ни экспертизадан ўтказмасдан хизматлар кўрсатиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма таълим дастурларини амалга ошириш бўйича Жамғарма номидан тузиладиган импорт контрактларини амалга ошириш муддатлари айнан ушбу контрактларда белгиланган муддатлар ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 7-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Жамғарма манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Жамғарма (А.Ш. Бекмуродов) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кучимов) ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Д. Хаджаев) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармон моҳияти ва аҳамияти бўйича чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

15. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари К.К. Куранбаев белгилансин.

16. Мазкур Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 11 февраль*

*Янги қонун лойиҳаси*

# Ижтимоий корхоналарга қандай имтиёзлар берилади?



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу маънода қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари қуйидаги мезонлардан бирига ёки бир нечтасига мос келганда ижтимоий корхона сифатида тан олиниши белгиланмоқда:

- ходимларининг умумий сонида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига мансуб шахслар камида 70 фоизни ташкил этганда ҳамда уларнинг маоши меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 70 фоизидан кам бўлмаганда;

- умумий тушум ҳажмининг камида 50 фоизи ижтимоий товарларни сотишдан ёки ижтимоий хизматлар кўрсатишдан тушган тушумни ташкил этганда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг умумий тушум ҳажмининг камида 90 фоизини ижтимоий соҳадаги фаолиятни амалга оширишдан тушган тушум ташкил этганда;

- фавқулодда ҳолатлар шароитида тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бундай ҳолатларга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этишга ўзгартирганда.

Қонун лойиҳасида тегишли мезонлардан бири ёки бир нечтасига мос келган тадбиркорлик субъектлари ёки нотижорат ташкилотларини ижтимоий корхона сифатида ижтимоий корхоналарнинг реестрига киритиш кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий корхоналар реестрига киритилган корхона ўтган молия йилида олинган фойданинг камида учдан икки қисмини кейинги молия йили давомида ижтимоий корхонанинг фаолиятига ёки ижтимоий лойиҳаларга реинвестицияга йўналтирилиши лозим бўлади.

Шунингдек, ижтимоий корхона ижтимоий корхона мезонларига мос келмай қолиб, ижтимоий корхоналар реестридан чиқарилгач, у ушбу реестрга икки йил давомида киритилмаслиги керак.

Қонун лойиҳасига кўра, ижтимоий корхоналарга бир қатор имтиёзлар ва преференциялар тақдим этилиши кўзда тутилган. Солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, давлат мулки объектларини ёки уларга бўлган мулкий ҳуқуқларни имтиёзли ёки "ноль" қиймат бўйича бериш, давлат буюртмачиларига тўғридан-тўғри шартномалар орқали ижтимоий товарларни реализация қилиш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш, молиявий ҳамда солиқ ҳисоботларини соддалаштирилган тартибда юритиш кабилар шулар жумласидандир.

Маълумки, Солиқ кодексига мувофиқ, ижтимоий корхоналар қўшилган қиймат, фойда, айланмадан олинадиган ва мол-мулк солиқларидан озод қилинади. Ер солиғини 0,1 коэффициентни қўллаган ҳолда тўлайди.

Ижтимоий тадбиркорлик паст даромадли фаолият турига киради. Шу сабабли унинг субъектларига солиқ имтиёзларидан ташқари қўшимча преференцияларни ҳам тақдим этиш кўзда тутилган.

Гап шундаки, ижтимоий корхоналар бошқа тадбиркорлик субъектлари билан аукцион ва танловларда тенг шартларда рақобатлаша олмаслиги сабабли Жанубий Корея, Италия, Россия каби хорижий давлатларда ижтимоий корхоналарга давлат мулки объектларини харид қилиш, ижарага олиш ва давлат харидларида қатнашиш бўйича преференциялар берилган.

Мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизида ижтимоий рекламани бепул жойлаштириши шарт.

Шунинг учун ижтимоий корхоналарга ушбу ҳажм доирасида ижтимоий товарлар ва хизматлар рекламасини бепул жойлаштириш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий лойиҳаларнинг рентабеллиги паст бўлгани сабабли, улар асосан давлат томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорларни ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга қизиқтириш учун уларга давлат томонидан субсидия бериш таклиф этиляпти. Мисол учун Россияда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тадбиркорлик субъектларига ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 600 минг рублгача, яъни 84 миллион сўмгача миқдорда субсидиялар ажратилади.

Қонун лойиҳасида ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг молиявий қўллаб-қувватлаш турлари белгиланмоқда. Жумладан, мазкур фаолият доирасида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан кейинчалик ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга кредитлар ажратиш учун тижорат банкларида ресурслар жойлаштирилади, ижтимоий лойиҳани амалга ошириш учун ижтимоий корхона томонидан олинадиган кредитлар бўйича кафиллик берилади ва фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар тўланади.

Бундан ташқари аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини белгиланган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилганлик учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий корхоналарнинг ўз ходимларини ўқитишга сарфлаган харажатларини қоплаш учун субсидиялар берилади ва таълим ташкилотларига грантлар ажратилади.

Мухтасар айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий тадбиркорлик ва ижтимоий корхоналар фаолиятини рағбатлантиради ҳамда ижтимоий ҳимоя сиёсатини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси*

*Муносабат*

# Президент Мурожаатномаси – демократик янгиланишлар дастури

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Энг эътиборлиси, бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Биргина 2020 йилнинг ўзида ушбу соҳани янада ривожлантириш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, юксак маънавиятли, чуқур билим ва ҳаётий тажрибага эга судьялар корпусини шакллантириш, судья ва суд ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ҳамда суд муҳокамаларининг шаффоф ва ошкора бўлишига эришишга қаратилган 4 та қонун ҳужжати қабул қилинганининг ўзиёқ соҳа мутахассисларида аввало ғурур-ифтихор ҳиссини уйғотди.

Шу билан бирга, мазкур қонун ҳужжатлари зиммамизга катта масъулият, улкан жавобгарлик ҳам юклайди.

Бинобарин, соҳадаги кўп йиллик меҳнат фаолиятим ва тажрибамдан келиб чиқиб, таққослаб, шуни ишонч билан айтишим жоизки, бугунги суднинг қиёфаси кечаги суд ҳокимиятига мутлақо ўхшамайди. Яъни бугунгидек суд мустақиллигини, суд ҳокимиятини ислоҳ этишга йўналтирилган демократик ўзгаришларни тасаввур қилиш илгари жуда қийин эди.

Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрда қабул қилинган "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини олиб кўрайлик. Унда судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Фармон судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш, суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ҳар қандай омилларга қарши курашда, энг муҳими, юқори профессионал судьялар корпусини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу ҳужжатда судьяларнинг дахлсиз ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш бўйича қайд этилган энг муҳим масалалардан бири шундаки, жорий йилдан бошлаб судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатларининг розилиги билангина йўл қўйиладиган бўлди.

Судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Судьялар олий кенгаши раиси киритадиган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ойда кўриб чиқилиб, натижаси юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши лозимлиги белгиланди.

Буларнинг барчаси алоҳида ҳуқуқий аҳамият касб этади. Чунки илгари бундай тартиб мавжуд бўлмагани учун судьяларнинг тегишли идоралар эшигида соатлаб кутиб ўтириши ҳолатларини ҳам кузатганмиз.

Албатта, Мурожаатномада юртимизда қисқа давр ичида эришилган ютуқ ва марралар, олдимизда турган янада масъулиятли вазифалар қатори мамлакатимизнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган энг долзарб масала — коррупцияни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлиги алоҳида таъкидлангани диққатга лойиқдир.

Ҳақиқатан ҳам, бу иллатнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз бўлиш кайфияти кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт. Коррупцияга қарши курашишда барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, ҳар бир фуқаро бирдек масъуллик билан сафарбарлик эълон қилиши янги давр талабидир.

Нега деганда, коррупцияга қарши курашиш борасида қанча қонунлар қабул қилинмасин, унга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз, кенг жамоатчилик бу жирканч иллатга кескин муросасиз муносабатда бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас эканмиз, бу балога қарши натижакор курашни ташкил эта олмаймиз.

Шу боис коррупция иллати билан нафақат мутасадди идоралар, балки ҳар бир жамоа, ҳар бир фуқаро онгли ва жиддий фикрда курашиши талаб этилади. Бунда коррупциясиз турмуш тарзини яратиш ва шакллантириш асосий мақсад бўлмоғи даркор.

Биз, судьялар ҳам меҳнат фаолиятимизга "ҳалоллик вакцинаси"ни сингдиришимиз, адолат ва қонун устуворлиги йўлида судьялик қасамёдига ҳар қадамда содиқ қолишимиз, суднинг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлашга, халқимизнинг рози бўлишида ва муносиб ишончини қозонишда ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Шу аснода, зиммамиздаги одил судловни амалга оширишдек шарафли касбимизни улуғлашимиз зарур.

Зотан, Президентимиз айтганидек, "Адолат бу — давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса, суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди".

**Абдуқаюм МАҲКАМОВ,**
*Қашқадарё вилояти суди раиси*

# нафақаси

## *ҳар бир ходимнинг меҳнат ҳуқуқи кафолатидир*

Ишсизлик нафақаси уларга маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган биринчи кундан эътиборан ҳисобланади ва тўланади. Ишсизлик нафақаси кўпи билан ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта, илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса, ўн икки ойлик давр мобайнида ўн уч календарь ҳафта тўланади.

Амалиётда иш берувчининг айби ёки тегишли меҳнат органининг айби билан ишсизлик нафақаси тўланмай қолган шахслар ҳам учрайди. Бундай вазиятда ишсиз қолган шахснинг ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатланган.

Ушбу тоифадаги ишлар судларда меҳнат қонунчилиги, Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари асосида кўриб чиқилиб, ҳал этилади. Жумладан, Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунлар, "Ишдан маҳрум бўлган чоғдаги ижтимоий кафолатлар", "Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомлар асосида кўриб чиқилиб, ҳал этилади.

Қуйидаги мисол ишсизлик нафақасини олиш жараёни ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилади: Фуқаро Н.А. акциядорлик жамияти тугатилгани сабабли ишдан бўшатилган. У билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига асосан бекор қилинган. Шундан сўнг Н.А. ўзига бошқа иш излаш мақсадида Яшнабод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига мурожаат қилган ва у 2019 йил 1 ноябрда иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган. Лекин уч ой ичида Н.А. меҳнат органида ишсиз деб эътироф этиш чоралари кўрилмагани сабабли даъвогарга нафақа пули тўланмай қолган.

Н.А. бу борада туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларга бир неча маротаба мурожаат қилган. Мурожаати қаноатлантирилмаганлиги боис судга ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб, даъво аризаси киритган.

Суд ишни кўриш жарёнида фуқаролик иши доирасида жалб қилиниш лозим бўлган барча шахсларни, шу жумладан, туман бандлик маркази вакилларини ҳам эшитиб, ишга дахлдор барча далилларни тўплаган.

Аниқланишича, Н.А. меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб, 10 кун ичида Яшнабод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига иш билан таъминлаш масаласида мурожаат этган ва иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган.

Уч ой ичида жавобгар ташкилот Н.А.ни бошқа иш билан таъминлаш мақсадида тумандаги бир неча ташкилотларга иш вакансиялар борасида сўровлар юборган. Ушбу ташкилотлардан рад жавоби келгани сабабли даъвогарни бошқа иш билан таъминлаш имкони бўлмаган. Лекин орадан ўтган уч ой ичида Н.А.ни Яшнабод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ишсиз деб эътироф этиш чоралари кўрилмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси текширув ўтказиб, марказнинг масъул ходимларига қонунбузилиш ҳолати юзасидан тегишли чора кўришни сўраб, тақдимнома киритган. Натижада марказ ходимлари интизомий жазога тортилган. Яшнабод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2020 йил 1 февралдаги қарори билан Н.А. ишсиз деб эътироф этилган.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун ишсизлик нафақаси олдинги иш жойидаги охирги бир йилги ўртача иш ҳақига фоиз нисбатида белгиланиши қайд этилган. Бошқа ҳолларда ишсизлик нафақаси қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига фоиз нисбатида белгиланади.

Иш ҳақига коэффициентлар белгиланган жойларда яшовчи шахсларга тайинланадиган ишсизлик нафақаси миқдорлари уларнинг шу жойларда яшаган даври учун мазкур жойда ноишлаб чиқариш тармоқларининг ходимларига белгиланган коэффициентни қўллаган ҳолда аниқланади.

Ишсизлик нафақаси миқдорини ҳисоблаб чиқишда туман коэффициентларини қўллаш тартибини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги белгилайди.

Суд Н.А.нинг охирги иш жойидан иш ҳақига оид маълумотни талаб қилиб олиб, ишсизлик нафақаси миқдорини белгиланган ҳамда ушбу суммани жавобгардан даъвогар фойдасига ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш келгусида давлат ижтимоий сиёсатининг самарадорлигини ошириш баробарида аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларининг ҳал этилишига кўмаклашади.

**Азамат МЕНГЛИЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди судьяси*
**Муҳаммади МАМАТОВ,**
*Судьялар Олий мактаби тингловчиси*

*Жиноят ва жазо*

# Ўйламай босилган қадам

## *у аянчли оқибатларга олиб келди*

*(Суд очерки)*

***НОХУШ ҚЎНҒИРОҚ***

Пахтачилик Феруза Мансурова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўғли Шоҳруҳни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш учун туман марказий поликлиникасига олиб борган чоғида қўл телефонига нотаниш киши қўнғироқ қилади. Феруза қўнғироқ қилувчидан кимлигини сўрайди.

— Раимқул акангизман, — дея ўзини таништиради қўнғироқ қилувчи. — Патир ёпиб чарчамаяпсизми?

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ташаббуси билан «Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот» деб номланган қўлланма чоп этилди.*

*Ушбу қўлланмада фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишнинг очиқлигини таъминлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерларнинг суд органлари фаолиятига оид ахборотларни олиш ва тарқатиш билан боғлиқ халқаро ва миллий қонун ҳужжатларидан зарур кўчирмалар тўпланган.*

*Мутолаа*

# Янги қўлланма




Қўлланманинг иккинчи бўлимида суд мажлисларини ёритишдаги процессуал тартиб-таомиллар, шу жумладан, журналистларнинг суд биносига кириши, суд муҳокамаси залида ҳозир бўлиши ва суд мажлисини қайд қилишига оид қоидалар, очиқ ва ёпиқ суд мажлисларида иштирок этиш талаблари уни фото ва видео тасвирга олиш, интернетда намойиш этишдаги чеклашлар доираси, суд жараёнларини ёритишда журналистларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, судлар фаолиятига оид маълумотлар ва уларни олиш тартиби ёритилган.

Суд жараёнларини ОАВда ёритиш ҳамда ОАВ вакилларининг иштирокига оид хорижий давлатлар тажрибаси қўлланманинг учинчи бўлимидан жой олган бўлиб, унда АҚШ, Германия, Грузия каби давлатларнинг қонунчилиги таҳлил қилинган.

Қўлланманинг тўртинчи бўлимидан суд жараёнларини ОАВда ёритишга оид тавсиялар, амалиётда тез-тез учрайдиган ҳолатлар юзасидан келиб чиқадиган саволларга жавоблар ўрин олган.

Қўлланма журналист, мухбир ва блогерларга суд жараёнларини ёритиш, уларнинг профессионал фаолиятидаги ҳуқуқларини қонун талабларига риоя этган ҳолда амалга оширишга ёрдам беради.

Энг муҳими, ушбу қўлланма суд муҳокамаси ошкоралигини таъминлаш борасида судьялар ва журналистлар ўртасида конструктив мулоқотни ўрнатиш ҳамда амалий ҳамкорлик қилишга кўмаклашади.

**Б. РАЙИМОВ**

# Ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланди

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид масалаларнинг аҳамияти ва бу борада қўмита олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

Яқинда қабул қилинган Давлат дастурида халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари ҳам палаталар эътибор марказида.

Дастурнинг ижтимоий ҳимояга йўналтирилган ишлар ижросини ўрганиш, "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"нинг самарадорлигини баҳолаш, субсидия ва грантлар асосида ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан назорат-таҳлил ишларини ташкил этиш қўмита олдида турган энг муҳим вазифалардан. Эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш ҳақидаги қабул қилиниши кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари юзасидан фикрлар берилди.

Давлат дастурида кўзда тутилган ёшларнинг таълим олиши учун яратилаётган бир қатор имкониятлар, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оила фарзандлари учун таълим кредити берилиши ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти, олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоизга ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони 2 бараварга, яъни икки мингтага оширилаётгани депутатлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда Дастурда акс этган ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини сертификат бериш тизимига ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра, давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имкониятининг яратилаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс, деб топилганда ногиронлик муддатсиз даврга белгиланиши борасидаги янги механизмлар жорий этилаётгани ҳақида фикр билдирилиб, унинг ижроси парламент назоратида бўлиши қайд этилди.

Тадбир давомида Дастурнинг яна бир аҳамиятли жиҳати — пенсия тизимидаги бир қатор ислоҳотларга эътибор қаратилиб, бунда айнан фуқароларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олингани айтиб ўтилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Шунингдек, 2021 йил 1 июндан бошлаб, пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланадиган бўлади. Бу, ўз навбатида, пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун қулай шароитлар яратади.

Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 6 мингдан зиёд фуқароларнинг 12 миллиардга яқин маблағлари ўз ҳисобларида қолиши кутилмоқда. Бу янгилик ҳам фуқароларнинг мазкур масаладаги мурожаатларининг эътиборга олинганидан далолат беради.

Қўмита аъзолари йиғилишда Дастурнинг аҳолининг ижтимоий ҳимоясига тегишли бандлари ижросини ўз муддатида ва сифатли тарзда амалга оширилиши юзасидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни белгилаб олдилар.

**Моҳинур ҚУДРАТУЛЛАЕВА,**
*ЎзА мухбири*

*Қўштепа туманида яшовчи Жўрабек Фазлиддинов (исм-шарифлар ўзгартирилган) мактабни битириб, олийгоҳнинг юриспруденция йўналишига ҳужжат топширганда яхши билим олиб, келгусида тажрибали ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган эди. Зеро, эзгу ният билан бошланган иш бароридан келади, албатта.*

*Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!*

# Фирибгарга айланган ҳуқуқшунос



Шу маънода айтганда, Жўрабек ҳам университетни тамомлагач, аввал ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда иш ўрганиб юрди. Ана шу кезларда ўзига ишониб топширилган вазифаларни уддалай олди чоғи, уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан бирига инспектор лавозимига ўтказишди. Аммо...

Аммо Ж.Фазлиддинов нафс қутқусига учиб, тўғри йўлдан адашди. Йўқса, ўзи ҳуқуқшунос бўла туриб, жиноятга қўл урмас эди. Яъни 2016 йилда фирибгарлик кўчасига қадам қўяди. Оқибатда унга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади. Сўнг жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 10 январдаги ажрими билан юритилган жиноят иши ярашув институтига мувофиқ тугатилади.

Одатда, оқ-қорани таниган киши билиб-билмай, бирор хатога йўл қўйса ёки жиноят содир этса, бундан зудлик билан ўзига тегишли хулоса чиқариб олади. Ҳаётда қайта хато қилмасликка, тўғри йўлни топишга ҳаракат қилади. Бироқ "қаҳрамон"имиз орадан 4 йил ўтиб, иккинчи марта фирибгарлик ва пора беришга далолат қилиш жиноятини содир этди. Аниқланишича, фуқаро Абдумалик Асқаров 2020 йилнинг февраль ойи охирларида туман ҳокимлигига боради. Шунда бир гуруҳ нуронийларнинг Қўрғонча маҳалласи масжидини очиш ҳаракатида келишгани, бунинг учун эса, Тошлоқ туман адлия бўлими ходими Жўрабек Фазлиддинов ёрдам бераётганлигидан хабар топади. Шунинг учун Абдумалик ака ҳам адлия бўлимига бориб, Ж.Фазлиддиновни топиб гаплашади. Яъни туманнинг Сўкчилик маҳалласида жойлашган масжидни ҳам очиш юзасидан маслаҳатлашади.

— Бу иш туманда ҳал бўлмайди, — дея гап бошлайди Жўрабек. — Бунинг учун мен Тошкент бориб келишим зарур. Гапнинг қисқаси, бу масаланинг ўзига яраша чиқими ва тегишли тўловлари бор. Шуни тайёрлаб берсанглар, муаммо йўқ.

— Хўш, қанча йиғиб беришимиз керак? — қизиқиб сўрайди А.Асқаров.

Бунга жавобан эса, Ж.Фазлиддинов борди-келди ва ҳужжатлар учун тахминан 40 миллион сўм кетишини айтади. Бинобарин, Абдумалик ака унинг гапларига ишониб, бир ой деганда дастлаб 5 миллион сўм, сўнг 34 миллион сўмни санаб беради. Аммо Жўрабек ҳали карантинни, ҳали бошқа нарсаларни важ қилиб, ишни чўзиб юраверади. Пулларни эса, масжид очилиши учун талаб этиладиган тўловни амалга оширишга сарфлаганини айтади. Бироқ тўловни тасдиқловчи квитанцияни ҳам унга бермайди.

Шу тариқа, орадан 4 ойдан кўпроқ вақт ўтса ҳам масжид очилишидан дарак бўлмайди. Шундагина Абдумалик Асқаров алданганини тушуниб етади. Пировардида унинг Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департамаентининг Тошлоқ туман бўлимига қилган мурожаати асосида ҳуқуқшунос "ҳожатбарор"нинг сири фош этилади.

Буни қарангки, Жўрабек Фазлиддиновнинг ҳакалак отган нафси юқоридаги воқеа билан таскин топмаган экан. Аниқроғи, у қинғир ишларини давом эттириб, фуқаро Музаффар Мирзажоновдан ҳам пул таъма қилганлиги аён бўлди.

Маълум бўлишича, Музаффар Мирзажонов 2020 йилнинг март ойида жияни Муҳиддинжон Қодиржонов билан бирга туман ҳокимининг тегишли қарори асосида туманнинг Нилуфар кўчасида фойдаланилмасдан ётган 1000 квадрат метр бўш ер майдонини маҳалла гузари ва 5 қаватли уй қуриш учун давлат хусусий шерикчилиги асосида олади. Кейин эса, қурилишни бошлайди. Қурилиш ишлари авжига чиққанда эса, ернинг собиқ эгаси С.Ҳошимов пайдо бўлади. С.Ҳошимов туман ҳокимининг бу хусусдаги — 2020 йил 16 мартдаги 439-сонли қарорини бекор қилишни сўраб, Тошлоқ тумани маъмурий судига мурожаат қилади. Бундан хабар топган устамон Жўрабек бўлса, айни масалани унинг фойдасига ҳал қилиб беришини айтиб, М.Мирзажоновни алдашга тушади.

— Ҳаражатига рози бўлсангиз, мен судья билан гаплашиб, бу масалани сизнинг фойдангизга ҳал қилиб бераман, — деб М.Мирзажоновнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиради у.

Яъни бунинг эвазига 500 АҚШ доллари олади. Аммо муаммо муаммолигича қолиб кетади. Шундан сўнг алданган фуқаро Департаментга мурожаат қилади. Оқибатда мазкур жиноят ҳам ўз ўрнида фош этилиб, Жўрабек Фазлиддиновга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва судда қонуний жазо тайинланди.

Шу ўринда таассуф билан тилга олиш жоизки, ўзи ҳуқуқшунос бўлган шахснинг такроран коррупция гирдобига тушиши муроса қилиб бўлмас ҳолатдир. Чунки у юқоридаги қилмишларнинг жиноят эканини била туриб, содир этди. Энди ўзингиз ўйланг: Жўрабек Фазлиддиновнинг ғайриқонуний ишидан хабар топган юртдошларимизнинг давлат органларига бўлган ишончи сусаймаслигига ким кафолат беради? Шундай экан, унга берилган жазодан коррупцияга мойил бўлган бошқа шахслар тегишли хулоса чиқариб олиши шарт. Зеро, ким бўлишидан қатъий назар, қонун олдида барча баробардир.

**Азамат ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
*Фарғона вилояти суди судьяси*

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Феруза Раимқул деган таниши йўқлиги, патирчи эмаслигини айтиб, суҳбатга якун ясайди. Аммо орадан чамаси икки соатлар ўтгач, бояги одам яна қўнғироқ қилади. Аёл ундан нима мақсадда қўнғироқ қилаётганини сўрайди. Шунда нотаниш эркак "Сизни ёқтириб қолдим, бирга бўлайлик" дейди уялмай-нетмай.

— Мен оилалиман, — дея тутақиб кетади Феруза. —Эрига хиёнат қиладиган аёллардан эмасман. Телефон рақамимни кимдан олдингиз?!

— Биламан, — дейди Раимқул. — Эрингиз Россияга ишга кетган, иккимизнинг яқинлигимизни ҳеч ким билмайди. Яхшиси, бирон-бир ошхонада ўтириб, бафуржа гаплашиб олайлик. Ўшанда телефон рақамингизни кимдан олганимни ҳам айтаман.

Феруза кутилмаган бундай очиқ-ошкор сурбетликдан жаҳли чиқиб турганда тасодифан қайинукаси Анвар келиб қолади. Янгасининг ранги-рўйига кўзи тушган Анвар салом-аликни ҳам унутиб, "Тинчликми?" — деб сўрайди.

Аламдан юраги тўлиб турган Феруза Анварга қўшни қишлоқлик Раимқулнинг гапларини оқизмай-томизмай сўзлаб беради. Жаҳлдан мушти тугилиб, ўзини базур босиб турган Анвар янгасига Раимқулга телефон қилишни, унинг гапларини эшитмоқчи эканини айтади.

Раимқул аёлнинг телефон қўнғироғига жавоб бериш асносида ҳамма саволларга жавоб беради ва уни яна учрашувга таклиф қилади. Ўртада бўлиб ўтаётган суҳбатни Анвар ўзини базўр босганча қаҳр-ғазаб билан тинглайди.

— Ҳа, қўшни қишлоқлик Раимқулни яхши танийман, —дейди Анвар. — У бева, эри хорижга ишга кетган аёлларга кўп илакишади, деб эшитганман. Жағига бир-икки мушт тушириб, сизга умуман гапирмайдиган қилиб қўяман...

Шунда Феруза қайинукасига масалани жанжалсиз ҳал қилиш, Раимқулга ётиғи билан тушунтириб, уни бу йўлдан қайтаришни уқтиради. Бу гап ташқарига чиқиб кетса, шаънига доғ тушиши мумкинлигини эслатади. Анвар бунга рози бўлиб, ака-укалари билан маслаҳатлашишини билдиради.

***ҚАБИҲ МАСЛАҲАТЛАШУВ***

Кечқурун Ферузанинг укаси Бойбек, қайинукалар Анвар, Алишер ва Бобошер Ферузанинг уйида йиғилишади. Анвар уларга янгасининг қўл телефонига ёзиб олинган Раимқулнинг овозини эшиттириб, қариндошлардан бунга қандай чора кўриш лозимлигини сўрайди.

— Раимқулни алдаб учрашувга чақириб, ушлаб олиш керак, — дейди Бобошер. — Кейин уни участка инспекторига топширишсак бўлади.

— Йўқ, — дея бу таклифга эътироз билдиради Анвар. —Бундай қилсак, у осонгина қутулиб кетади. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, ўртада янгамнинг "гап-сўз" бўлгани қолади.

— Тўғри, у Мустафоқулнинг хотини




билан "юраман", деб гап тарқатиб юборса, ҳаммамиз иснодга қоламиз, — деб фикр билдиради Алишер.

— Унда опам телефон қилиб, Раимқулни овлоқ жойга чақирсин. Яхшилаб дўппослаб, кўзини очиб қўямиз. Шу билан Раимқул опамга гап қотмайди, кўрса, узоқроқдан айланиб ўтадиган бўлади — дейди Бойбек.

Укасининг таклифидан сўнг Феруза Мансурова Раимқулга қўнғироқ қилади.

— Мен розиман, — дейди Феруза ёлғондакам. -Кеч соат тўққизларда уйимиз яқинидаги эски боғча биносига келинг.

— Жуда яхши, ўша ерга боргач, сизга ўзим қўнғироқ қиламан, — дея хушнуд ҳолда жавоб беради Раимқул.

Учрашув муддати яқин қолганида Анвар, Алишер, Бобошер ва Бойбек ўзлари билан белкурак дастаси ва бир дона аёллар рўмолини олиб, анча йиллардан бери қаровсиз ётган боғча биносига бориб, Раимқулни пойлаб туришади. Бир-икки мушт уриб, Раимқулни қўрқитиб қўйиш Ферузанинг олдида номигагина айтилган пўписа эди. Аслида эса, ғазабдан кўзлари қонга тўлган бу кимсалар Раимқулни ўлдиришни режалаштиришган эди.

***АЖАЛ СИРТМОҒИ***

Кўп ўтмай Раимқул Ферузага қўнғироқ қилиб, унинг уйи яқинига келгани ҳақида хабар беради.

— Сиз боғча томонга бораверинг, — дейди Феруза бамайлихотир. —Мен бироздан сўнг ўзим етиб бораман...

Бошида ажал ўткир қиличини ялонғочлаб турганидан мутлақо бехабар Раимқул Асқаров боғча ҳовлисига қадам қўйиши билан калтак остида қолади. Ғазаб отига минган тўртовлон уни ўртага олиб, тепкилаган куйи белкуракнинг йўғон дастаси билан Раимқулнинг дуч келган жойига уришади. Кетма-кет тепки ва калтак зарбидан ерга йиқилади. Худди шу пайтда Бойбек рўмолни эшганча Раимқулни бўйнидан бўғади. Бир неча дақиқадан сўнг оёқ остида топталиб ётган Раимқул қимирламай қолади.

Шунда Бобошер ариқдан идишда сув келтириб, Раимқулнинг юзига сепиб, уни ҳушига келтирмоқчи бўлди. Афсуски, бу пайтда у ҳаёт билан видолашган эди. Бундан талвасага тушган шериклар энди мурдани нима қилишни маслаҳат қилишади. Узоқ тортишувдан кейин мўрдани Нарпай каналига ташлаб юборишга келишишади. Шундан сўнг қотиллар Раимқулнинг жасадини автомашинага ортиб, Пахтачи тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Нарпай каналига олиб боришади ва уни сув қаърига отишади.

* * *

Содир этилган мудҳиш жиноий қилмиш тез орада фош этилди. Р.Асқаровни шафқатсизларча ўлдирган қотиллар тергов ва суд жараёнида айбларини тўлиқ тан олишди. Суд судланувчиларни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж", "п" бандлари ва 267-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятларни қасддан содир этганликда айбдор деб топди. Судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда уларнинг жиноий қилмишни содир этишдаги иштирокчилик даражаси ҳисобга олинди. Суд ҳукмига асосан Бойбек Норқўзиев ўн саккиз йил олти ой, Анвар Асадов ўн олти йил, Алишер Асадов ўн беш йил уч ой, Бобошер Асадов ўн уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шу тариқа ҳали қирқ ёшга тўлмаган навқирон йигитлар ўзларининг озод, эмин-эркин яшаш ҳуқуқини йўққа чиқаришди. Агар ақлни устун қўйиб, муроса-ю мадора билан иш тутганларида улар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиб, айни куч-қувватга тўлиб-тошган даврини совуқ темир панжара ортида ўтказишмас эди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз: "Қарс" икки қўлдан чиққани каби аянчли ўлим топишида Р.Асқаровнинг ҳам айби бор. Чунки шаҳват қулига айланган бандаларни фаҳш ботқоғи ўзига тортиб, умрига зомин бўлади. Зеро, зино ва фаҳшга қадам босишгина эмас, у ҳақда кўнгилдан кечиришнинг ўзи ҳам оғир гуноҳ. Муқаддас Ислом динида бу ҳақда шундай дейилган: "Ҳар кимнинг кўнглида шаҳват кўп бўлса, уни лаънат кафанига ўрагайлар ва надомат тупроғига дафн қилгайлар. Ҳар ким шаҳват нафсини ўлдирса, уни раҳмат кафанига ўраб, саломат тупроғига дафн айлагайлар".

Баён этилган воқеалар бу ҳақиқатни тўлиқ исботлайди.

**Жамшид БОТИРОВ,**
*Самарқанд вилояти суди судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

*МУАССИС:*
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7545
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $22^{00}$. Топширилди: $23^{15}$.